



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

409 Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-2*

(2010 йил 18 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда) ва «Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 9 ноябрдаги 240-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 626, 1999 йил 11 февраль) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 23 октябрь,
34/13-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.